O‘ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№77 (830) 2024 йил 17 сентябрь, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ГЕРМАНИЯ” САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 17 сентябрь куни Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия етакчиларининг иккинчи учрашувида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.**

Саммитда минтақа мамлакатларининг Германия билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Савдо-иқтисодиёт, инвестиция, технологиялар, транспорт-коммуникация ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан қўшма учрашув ўтказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, “Марказий Осиё – Германия” форматидаги биринчи саммит ўтган йилнинг 29 сентябрь куни Берлин шаҳрида ўтказилган эди.

**ЎзА.**

## ИШОНЧ ВА ҲУРМАТГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц 15-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц юзма-юз мулоқот қилдилар. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги учрашувда атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц Қўшма декларацияни қабул қилдилар. Шунингдек, икки томонлама 8 та ҳужжат, жумладан, миграция ва мобиллик соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисида ҳукуматлараро битим, ўта муҳим минераллар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц 16 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида икки мамлакатнинг етакчи компания ва банклари вакиллари билан учрашув ўтказдилар.

Тадбирда Германия Иқтисодиёт ва иқлимни муҳофаза қилиш вазирлиги парламент давлат котиби Михаэл Келлнер, Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси бошқарувчи директори Михаэл Хармс, “KNAUF”, “CLAAS”, “Mangold Consulting”, “Gunter Papenburg”, “Siemens Energy”, “Linde Group”, “Aurubis”, “FALK PORSCHE”, “Metso”, “Edison technologies”, “Ernst Klett”, “Siemens Healthineers”, “Herrenknecht”, “DB Engineering & Consulting”, “Svevind Energy Group”, “Rhenus”, “HMS Bergbau”, “Textima” каби етакчи компаниялар ҳамда “KfW Development Bank”, “AKA Bank” банкларининг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари учрашувнинг иштирокчиларини самимий қутлаб, тадбир тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Кеча бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар якунларига юксак баҳо берилди. Уларда Янги Ўзбекистон тараққиётининг иқтисодиёт тармоқларини чуқур трансформация ва модернизация қилиш бўйича асосий устувор йўналишлари қўллаб-қувватлангани алоҳида қайд этилди.

Германиянинг етакчи компания ва банклари билан Саноат ва технологик шериклик бўйича қабул қилинган стратегик дастур доирасида қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги келишувларга эришилгани учрашувнинг асосий натижаси бўлгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доираларининг фаол ва амалий иштирокида ўзаро манфаатли шерикликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Бу “яшил энергетика”, кимё саноати, “яшил водород” ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини назарда тутади.

Бундан ташқари, ўта муҳим минерал ресурслар конларини ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, кейинчалик Германия ва учинчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Германия компанияларининг иштироки истиқболли йўналиш сифатида белгиланди.

Энергетика, транспорт-коммуникация, коммунал ва туризм инфратузилмаси объектларини модернизация қилиш, саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштириш дастурида иштирок этиш, шунингдек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим ва экология соҳаларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш ҳам ҳамкорликнинг асосий йўналишларига киради.

Учрашувда Президентимиз Германия бизнесининг Ўзбекистондаги йирик компаниялар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу маънода, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлургия, энергетика, кимё, транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги ва машинасозлик, тиббиёт ва бошқа соҳаларда янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш кераклиги таъкидланди.

– Учрашувимизни янги форматда ташкил этдик. Ўзбекистон томонидан, асосан, сўнгги йилларда мустаҳкам оёққа туриб олган ва Германия бизнесининг муносиб ҳамкори бўлган хусусий сектор вакиллари иштирок этмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти барча иштирокчиларга белгиланган режаларни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилади.

Ўз навбатида, Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц мамлакатимиз билан кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланаётганини юқори баҳолаб, мавжуд шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади ҳамда Германия ишбилармон доиралари вакилларини қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишда дадил иштирок этишга чақирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Германия Федератив Республикаси Канцлери қўшма Бошқарув кадрларини тайёрлаш мактабининг очилишига бағишланган маросимда иштирок этдилар.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Ханнс Зайдел жамғармаси ҳамда Бавария давлат бошқаруви мактаби билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Мутасаддилар видеоалоқа орқали етакчиларга лойиҳа ҳақида батафсил маълумот бердилар. Унинг асосий мақсад ва вазифалари мамлакатимиз ҳудудларида бошқарув кадрларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва илғор технологияларни ўзлаштириш борасидаги салоҳиятини оширишдан иборат.

Ўзбекистон – Германия саммити якунида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Конгресс марказидаги хиёбонда биргаликда дарахт экдилар.

Бу Ўзбекистон – Германия кўп қиррали муносабатларида янги босқич бошлангани, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганининг рамзи бўлди.

Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Самарқанддаги Халқаро туризм академиясига ташриф буюрди.

2023 йилда Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси доирасида очилган академия туризм соҳасини ривожлантириш бўйича юқори малакали ва талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш маркази сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Академияда яқинда биринчи академик йил бошланди ва битта дастур – меҳмондўстлик менежменти бўйича 20 нафар тингловчи сабоқ олмоқда. 2025 йил январдан эса яна 200 нафар мутахассис тайёрланади. Иккинчи академик йилдан бошлаб мавжуд уч йўналишда 60 нафар тренер ва 1200 нафар мутахассис ўқитилади.

Ўқув муассасаси битирувчиларига БМТ Туризм ташкилотига аъзо давлатлар томонидан эътироф этиладиган дипломлар берилади.

Олий мартабали меҳмон академияда яратилган шароитлар ҳамда Ўзбекистонда замонавий сайёҳлик инфратузилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишди.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Айтиш мумкинки, мазкур ташриф ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган, қоғоздан амалий жараёнларга ўтган Ўзбекистон – Германия муносабатларининг янги даврида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

## Чуст шаҳрининг бош режаси ишлаб чиқилди

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023–2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш ҳамда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштириш чоралари тизимли белгилаб берилган.**




Ушбу ҳужжатда ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси, шаҳарлар (шаҳарчалар) ва шаҳар атрофи зоналари интеграцияси асосида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Албатта, мазкур бош режада аҳолини ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тизими давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда ҳудудларнинг жорий ҳолати, салоҳиятини аниқлаб, ўзаро боғлиқлик мақсадлари белгиланиши беқиёс аҳамиятга эга. Ана шундай улкан бунёдкорлик ғояларининг ҳаётимиздаги амалий ифодаси сифатида “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” давлат муассасаси бош лойиҳа институти томонидан Наманган вилояти Чуст тумани Чуст шаҳрининг бош режаси ишлаб чиқилди ва тақдимоти ўтказилди.

Маросимда вилоят ҳокимининг капитал қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Ғофиржон Жамолов, вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоят бош архитектори Элёрбек Қосимов ҳамда тегишли бошқармалар масъул ходимлари, соҳага оид бошқа ташкилот ва корхона раҳбарлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари раҳбарлари, лойиҳа ташаббускорлари иштирок этишди. Бу ҳақда Чуст туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Шухратжон Тулабоев бизга маълум қилди.

Таъкидланганидек, Чуст шаҳри Наманган вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланган Наманган шаҳридан кейинги энг йирик шаҳар, шунингдек, ҳунармандчилик марказларидан бири ҳисобланади. Аҳоли сони 91,3 кишини, майдони эса 2 798 гектарни ташкил қилади. Аҳоли турар жойларининг 90,7 фоизи якка тартибдаги ҳовлилардан иборат. Шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмидаги адирликларда 4, 5, 7 ва 9 қаватли уйлар қурилмоқда.

2023 йилда бошланган жами 4 021 гектарни қамраб олган шаҳарнинг бош режасини лойиҳалаш ишларида аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ва ижтимоий-иқтисодий, саноат салоҳияти, ишчи ресурслари, табиий экологик муҳитнинг ривожланиши ва Чуст туманининг мазкур соҳалар бўйича ривожлантириш дастурлари инобатга олинган. Лойиҳанинг ҳисоб даврида 2045 йилда аҳоли сони қарийб 135 минг киши бўлиши кутилаётганига эътибор қаратилган. Асосий мақсад –аҳолини амалдаги шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида барпо қилинган турар жой, муносиб иш ўринлари, таълим олиш, саломатлик, дам олиш, спорт, соғломлаштириш каби ижтимоий-маданий инфратузилмалар ҳамда транспорт тармоқлари билан таъминлаш.

Архитектура композициясининг асосини Чароғон, Сўфизода кўчалари бўйлаб ишлаб чиқилаётган жамоат марказлари ташкил этади. Тақдим этилган режа ҳудудни босқичма-босқич ривожлантириш имконини беради ва шаҳарсозликнинг муҳандислик таъминоти учун мақбул ечимдир. Шунинг учун ҳам, амалдаги санитария меъёрларига жавоб бермайдиган бир қатор саноат ҳудудларини жанубий-ғарбий томонга кўчириш таклиф қилинмоқда.

Янги қурилиш таркибида 1-2 қаватли участкалар 56,5 фоиз, 2-3 қаватлилари 1,7 фоиз, 4-5 ва ундан юқори қаватлилар эса 41,8 фоиз бўлади. Ҳисоб даври учун асосий реконструкция ишлари амалга оширилади. Қурилишнинг биринчи босқичи асосан ғарбий ва жанубий-шарқий томондаги ўзлаштирилмаган ҳудудларда амалга оширилиши боис мавжуд уй-жойлар бузилишини талаб қилмайди.

Чуст шаҳрининг тақдим этилган бош режаси туман ҳокимлиги ҳузуридаги Кенгаш қарорига асосан юқори турувчи давлат ташкилотлари билан келишув ва тасдиқдан ўтказиш учун тавсия қилинди.

## Институтлар ўртасида очиқ мулоқот ўтказилди

**Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда Фарғона политехника институти ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-151-сонли Фармони ижроси юзасидан мазкур институтлар ўртасида очиқ мулоқот ўтказилди.

Учрашув давомида шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва Еврокодларни ишлаб чиқиш, ахборот моделлаштириш технологияларини жорий этиш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб бориш, бино ва иншоотларни энергия самарадорлиги бўйича аудит қилиш ва қурилишда энергия самарадор ва тежамкор материалларни қўллаш амалиёти, соҳадаги таълим дастурларини ҳамкорликда кўриб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, бино ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари ва алоҳида конструктив элементлари ҳолатини техник кўрикдан ўтказиш ва мониторинг қилиш, шаҳарсозлик соҳасида устувор йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш, ҳамкорликда маҳаллий ва халқаро лойиҳаларни тайёрлаш, докторантларнинг илмий ишларини Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти комплекс лабораториясида ўтказиш каби йўналишлар муҳокама қилинди.

Хусусан, мулоқот сўнггида институтлар томонидан имзоланган меморандум асосида ҳамкорликдаги вазифаларни янада такомиллаштиришга келишиб олинди.

## Самарали ҳамкорлик

**Жорий йилнинг 7–14 май кунлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти вакиллари Хитой давлатида бўлиб, соҳадаги устувор масалаларда келишувларга эришган эди.**

Яқинда вазирликда мазкур келишув ва меморандум доирасида зилзилабардош бино ва иншоотлар ҳамда Хитой қурилиш материаллари стандартларига боғлиқ масалалар юзасидан семинар ўтказилди. Унда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини такомиллаштириш, доимий мулоқот ва тажриба алмашиш, мутахассисларни стажировкага юбориш, ишларни тизимли мониторинг қилиш учун онлайн платформа ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди.

## БСКлар учун семинар-тренинг ташкил этилди

**Навоий шаҳрида республикадаги кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида фаолият олиб бораётган бошқарув органлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.**



Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева нутқ сўзлаб, шундай деди:

– Президентимизнинг соҳага бўлган алоҳида эътибори туфайли тизимда кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Натижада республикадаги кўп квартирали уйларда яшовчи аҳолининг яшаш шароитлари олдинги йилларга қараганда анча яхшиланди. Ушбу тадбир ҳам соҳадаги янгиликлар ва ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, олдимизда турган долзарб вазифалар таҳлилига бағишланган бўлиб, мазкур ютуқларда сизнинг муҳим ўрнингиз бор.

Шунингдек, тадбирда Навоий вилояти соҳа мутасаддилари ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институти ректори Аъзамиддин Қўлдошев ҳам сўзга чиқиб, бошқарув ташкилотларига соҳани такомиллаштиришга доир ўз тавсияларини беришди.

Таъкидланганидек, соҳага қаратилаётган катта эътибор туфайли сўнгги йилларда “оғир” тоифадаги бошқарув сервис компаниялари сони кескин камайди ва аста-секин рақобат муҳити шаклланди. Шунингдек, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам намунали бошқарув сервис компаниялари ташкил этилди. 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, БСКларнинг намунавий бинолари сони 52 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 131 тага етди. Бошқарув органларининг дебитор қарздорликларини камайтириш йўлида ҳам қатор натижаларга эришилди.

Уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси ва энергия тежамкорлиги бўйича кўп қаватли уйларда амалга оширилган ишлар – Навоий тажрибасига бағишланган семинар республикада фаолият юритувчи 300 дан ортиқ бошқарув ташкилотлари вакилларини бир ерда жамлади. Кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари учун ташкил этилган семинар барча иштирокчиларга тажриба ва кўникма алмашиш майдони сифатида хизмат қилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№77 (830) 2024 йил 17 сентябрь

МУНОСАБАТ

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳар йили бўлгани каби бу йил ҳам анъанага кўра, юртимизнинг мустақиллиги арафасида юртдошларимиз фойдаланишлари учун бир қатор иншоотлар фойдаланишга топширилди. Ана шундай иншоотлардан бири Тошкент ҳалқа автомобиль йўлининг Мирзо Улуғбек тумани қисмидан ўтган йўл ўтказгич бўлди.**



# Бунёдкорликдан асосий мақсад – ХАЛҚ МАНФААТИ

Сўнгги йилларда Тошкент ҳалқа автомобиль йўлининг Мирзо Улуғбек туманидан ўтадиган ушбу қисмида қатнов сезиларли ортди. Сабаби, бу катта кесишма пойтахт ва Тошкент вилоятининг бир қатор туман шаҳарларини боғлайди. Мавжуд йўл структурасида эса кунига 45–50 мингга яқин автомашина қатновига жавоб бермай қолган эди. Тирбандликлар кўпайиб, йўл транспорт ҳодисаларининг сони ошиб бораётганини эсга олиш ўринли. Шуларни инобатга олиб, мазкур ҳаракатланиш қисмида замонавий транспорт ечими қўлланилди. Кўча бўйларига электрон шаклда бошқариладиган тунгги ёритиш тизими, ақлли светофорлар ўрнатилди. Ҳудуд кўкаламзорлаштирилиб, манзарали дарахт ва кўчатлар ўтказилди. Энг муҳими бу каби замонавий транспорт ечимлари орқали тирбандликлар бартараф этилиб, пиёдалар, транспорт воситалари ва йўл бўйи инфратузилмаси объектларининг хавфсизлик даражаси оширилди.

Эндиликда Тошкент ҳалқа автомобиль йўлининг Мирзо Улуғбек тумани қисмидан ўтганда тирбандликда туриб, ортиқча вақт йўқотишга ҳожат қолмади. Боиси, Темур Малик кўчасининг 32-36 километрида умумий узунлиги 4 километр бўлган ва ҳар бири 6 тадан 8 тагача ҳаракат тасмасига эга бўлган йўл ўтказгич барпо этилди. Эътиборли томони, бир суткада умумий ҳисобда 50 минггача транспорт воситалари ҳаракати жадаллигини таъминлаб бера оладиган ва Ўзбекистонда биринчи маротаба Буюк ипак йўли билан кесишмасида йиғма темир конструкцияли йўл ўтказгич бўлди.

Мамлакатимизда илк бор қўлланилган бу усулнинг афзаллиги кўп. Мутахассисларнинг фикрича, бу турдаги йўл ўтказгичнинг хизмат қилиш муддати 120-130 йил. Қурилиш муддати йиғма ва қуйма бетон кўприкларига нисбатан 2 баробарга қисқа. Фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш ишлари ҳам анча камхарж ва нисбатан хавфсиз.

– Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йилги анъанага мувофиқ, Темур Малик кўчасида мамлакатимизда ягона бўлган темир конструкцияли кўприк битказиб, топширилишига муваффақ бўлинди, – деди "Гулсанам" МФЙ раиси Неъматжон Сатторов. – Бундай янгиланишдан, шундай кўприк қурилганидан унинг атрофида яшовчи аҳолининг барчаси хурсанд, мамнун. Буёғига фарзандларимизнинг ўқишга бориб келиш жараёнида ҳам хавф-хатар бўлмайди.

Буюртмачи "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси", лойиҳа ташкилоти эса "Йўл лойиҳа бюроси" масъулияти чекланган жамияти, пудрат ташкилоти эса "Ўзйўл-кўприк" кластерининг Тошкент вилояти филиали ҳисобланади.

Мазкур иншоотнинг қиймати қарийб 196 млрд сўмга тенг бўлиб, уни барпо этиш доирасида 8 километр узунликда пиёда ва велойўлаклар, 2 километр маҳаллий йўл ва 13 дона автобекатлар қурилди. 3 та ортга қайрилиб олиш ва 18 та кесишмаларда қўшилиб олиш ечимлари ташкил этилди. Шунингдек, 4 та ерости ўтиш жойи, пиёда ва велойўлаклар қурилди.

Шу ўринда айрим таҳлиллар ҳақида мулоҳаза. Ўтган 6-7 йилда йўл ишларини молиялаштириш сезиларли даражада ошганини таъкидлаш ўринли. Йиллик ажратилаётган маблағлар ўртача 4 баробарга кўпайди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, 2017 йилга қадар бир йилда ўртача 3,5-4 минг километр йўлларда қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлса, сўнгги йилларда 16-17 минг километр йўл ишлари бажарилмоқда.

Бундан ташқари, республиканинг транзит йўлларини ривожлантириш мақсадида сўнгги 7 йилда халқаро молия институтларидан қарийб 750 млн АҚШ доллари жалб қилиниб, 880 километр магистраль йўллар реконструкция қилинди. 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, таъмирталаб йўллар 130 минг километрдан ортиқни ташкил этадиган бўлса, ўтган 7 йилда 85 минг километрга яқин йўллар таъмирланиши натижасида бундай йўллар улуши 35 фоига қисқартирилди. Соҳага хусусий пудрат корхоналарини жалб қилиш, рақамли ечимларни жорий этиш борасидаги ишларни давом эттириш ҳисобига жорий йилда 3 трлн сўм маблағни ўзлаштириш, 8,8 минг километр автомобиль йўллари ҳамда 119 та кўприкни реконструкция қилиш режа қилинган.

– Президентимизга катта миннатдорчилик билдирмоқчиман, – деди меҳнат фахрийси Хайрулла Зиёмуҳаммедов. – Мен шу ерда туғилиб, ўсганман. Маҳалладошларимиз неча йиллардан буён бундай ўзгаришларни кутиб келаётган эди. Бу кўприкнинг фойдаланишга топширилиши натижасида йўлнинг 2 томонида ҳам фуқароларимиз юрадиган, дам оладиган бир маскан пайдо бўлди. Бунга қадар бу ерда пиёдалар ҳаракатланиши учун йўлак йўқ эди. Ҳозир эса уларнинг барчаси муҳайё қилинди.

Иншоотни кўздан кечириш вақтида Президентимиз хавфсиз ва равон ҳаракатланишни таъминлайдиган бу каби ташаббусларни рағбатлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

– Президентимиз томонидан Тошкент шаҳрида тирбандликларни камайтириш, светофорлардан шаҳарнинг тирбанд чорраҳаларидаги жойлашувида воз кечган ҳолда, замонавий транспорт ечимларини қуриш бўйича топшириқлари олинган эди, – деди Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Жамшид Турсунов. – Биринчи маротаба металл конструкцияли йўл ўтказгични қуриб, Юртбошимизга тақдим этдик. Бетон конструкцияли йўл ўтказгичнинг афзал томони шундаки, анъанавий қуриладиган металл конструкцияли ёки монолит кўприклардан тубдан фарқ қилади. Биринчи фарқли жиҳати шундаки, конструкциямизнинг 2,5-3 баробар енгиллиги, иккинчиси эса ушбу янги қурилган кўприк монолит кўприкдан 30 фоиз арзон. Ушбу иншоотни эксплуатация харажатлари анъанавий қуриладиган йўл ўтказгичларига нисбатан 4-5 баробар кам бўлади. Энг асосийси, ушбу йўл ўтказгичнинг фойдаланиш даври 100 йилдан 120 йилгача белгиланган. Президентимиз иншоот билан танишиш асносида бизга қисқа вақт давомида Тошкент ҳалқа йўлидаги ҳолатни, шаҳарда энг катта тирбанд йўл ва чорраҳаларни ўрганиб, у ерларда ҳам мана шундай металл конструкцияли йўл ўтказгичларини қуриш бўйича топшириқлар берди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган даврида 12 минг 600 километр автомобиль йўллари, 200 га яқин кўприк реконструкция қилинди. Ҳақиқат шуки, иқтисодий тараққиёт йўл инфратузилмасига бевосита боғлиқ. Шу маънода, охирги йилларда юртимизда йўл кўприклар қурилишига муҳим стратегия сифатида қаралмоқда. Хусусан, инвестиция дастури доирасида хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича 134 млн АҚШ доллари ўзлаштирилди. Жорий йилда шунингдек, Бухоро-Нукус-Бейноу йўналишидаги 240 километр магистраль йўл тўлиқ ишга туширилди. Тошкент-Андижон, Тошкент-Самарқанд пуллик йўллари ва Тахтақорача пуллик тоннелини, 841 километр цемент-бетон қопламали йўлларни қуриш, Тошкент-Термиз йўлининг 60 километр масофасини реконструкция қилиш, Пунгон-Наманган йўлининг 75 километр масофаси, Тошкент-Чиноз йўлининг 54 километр масофасини реконструкция қилиш ҳамда Чирчиқ айланма йўлини қуриш, Самарқанд-Қарши йўлининг 49 километр ва Қарши-Шаҳрисабз-Китоб йўлининг 77 километр масофасини реконструкция қилиш, Қамчиқ довонининг 100 километр қисмида интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш лойиҳалари давом эттирилади.

# ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Маълумки, Навоий вилоятининг юртимиз ва инсоният тамаддунига катта ҳисса қўшган қадимий ва бой тарихи бор. Мутахассислар мазкур вилоятнинг республикамиз саноат соҳасида пешқадамлар сафида боришида Менделеев даврий жадвалида қайд этилган кўплаб нодир ва ноёб металлар шу замин тупроғида учраши билан изоҳлашмоқда. Бу ўлка ўз бағрида ноёб бойликларни сақлаб келаётган ҳудуд сифатида республикамиз саноат соҳаси пешқадамларидан бири ҳисобланади.**

Вилоятда кейинги йилларда ушбу йўналишни янада ривожлантириш мақсадида яратилган кенг имкониятлар ва киритилган инвестициялар ўз самарасини бериши натижасида сўнгги беш йилда саноат корхоналари сони 1 минг 429 тага ошиб, 4 минг 378 тага етказилди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми охирги беш йилда 28,5 триллион сўмдан 63,4 триллион сўмга етказилди. Саноат таркибида металлургия, кимё, текстиль ва тўқимачилик, озиқ-овқат саноати тармоқларида юқори ўсишга эришилди. Йирик корхоналарга суяниб қолмасдан, ҳудудий тасарруфдаги корхоналарни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши натижасида 6 ойда 8,7 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, жами саноатдаги улуши 2023 йилнинг мос давридаги 8,9 фоиздан 13,7 фоизга оширилди.

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиётининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва унинг йўналишларини кенгайтиришни жадаллаштириш, юқори қўшилган қийматни шакллантириш, мавжуд хомашё ресурслари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар қўйилган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида 140 та лойиҳада 779,1 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларнинг қарийб 11,5 миллион доллари экспортга йўналтирилиб, 61 та янги маҳсулот ўзлаштирилди.

Вилоятда сўнгги йилларда хорижий инвестициялар салмоғи сезиларли даражада ошмоқда. Биринчи ярим йилликда 312,9 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Вилоятдаги 114 та корхона томонидан 111,6 миллион АҚШ долларилик экспорт амалга оширилди. Олти ой ичида 5 та янги давлат бозори ўзлаштирилиб, экспорт географиясидаги давлатлар сони 30 тага етказилди. 34 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, улар томонидан 9 миллион АҚШ долларилик 14 турдаги янги маҳсулот экспортга чиқарилиши ҳисобига 7,9 миллион долларлик қўшимча экспорт амалга оширилди.

Сўнгги йилларда вилоят маркази ва туманлар ўзгача қиёфа касб этиб, янги қурилаётган кўп қаватли уйлар, замонавий массивлар ҳисобига кун сайин кўркамлашиб бормоқда. Бу уйларни қуришда замон талабларига катта эътибор қаратилмоқда. Уларни бунёд этишда ижтимоий инфратузилма ва бошқа барча қулайликлар эътиборга олиняпти. Зеро, бу уйларга кўчиб кираётган юртдошларимиз тинчликосойишталикни, мустақиллик байрами шукуҳини юракдан ҳис этмоқда. Бу борада жорий йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида вилоятда сўнгги уч йилда 7 минг 939 та хонадондан иборат 124 та янги кўп қаватли уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилган.

Биргина, 2024 йилда вилоятда жами 4 минг хонадонли 58 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1 минг 20 хонадонли 20 та уй-жойлар фойдаланишга топширилди ва қарийб 5 минг нафар аҳоли янги уй-жойлар билан таъминланди. Хусусан, "Янги Ўзбекистон" массивларида 200 хонадондан иборат бўлган 8 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Хатирчи, Нурота, Ғазғонда илк бор кўп қаватли, замонавий уйлар қад кўтармоқда.

Табиатнинг бебаҳо неъмати бўлган сув – тириклик манбаидир. Шу боис, обиҳаётдан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш ҳар бир инсоннинг турмуш қоидасига айланиши лозим. Аср муаммосига айланиб бораётган сув танқислигининг олдини олиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида вилоятда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда охирги уч йил мобайнида аҳолининг марказлашган ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 1 минг 539,3 километр янги ичимлик сув тармоқлари тортилди. Бунинг натижасида 70 та маҳаллада яшовчи 152 минг нафардан ортиқ аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, 15 та маҳалладаги 36 минг нафардан ортиқ аҳолининг таъминоти яхшиланган.

Шунингдек, аҳолининг фаровонлик омилларидан бири бу – равон йўллар қурилишидир. Бу йўналишда вилоятда сўнгги 3 йил давомида жами 2 минг 729 километр, шундан 1 минг 376 километр асфальт, 1 минг 242 километр шағал қопламали ва 112 километр цементбетон қопламали автомобиль йўллари қурилди. Айниқса, аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолардан ҳисобланган жами 1 минг 718,7 километр узунликдаги йўлларда қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қолаверса, аҳолини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш масаласида 2022-2024 йилларда 1 минг 669,7 километр электр узатиш тармоқлари, 3 дона подстанция ҳамда 382 дона трансформатор пунктлари янгидан қурилди. Вилоятда 2022 йилда биринчилардан бўлиб қуввати 100 МВтли бўлган қуёш станцияси қурилган бўлса, 2024 йилда Томди туманида қурилаётган қуввати 500 МВтли шамол электр станциясининг 300 МВт қисми ишга туширилди. Ушбу станциялар орқали йилига ўртача 300 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, кейинги уч йилда вилоятда ижтимоий соҳа объектларидан жами 154 таси ишга туширилди, шундан 29 та оилавий шифокорлик пункти, 2 та оилавий поликлиника ҳамда 123 та маҳалла тиббиёт пунктининг фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 300 мингдан ортиқ аҳолига тиббий хизмат яқинлаштирилди.

Албатта, Янги Ўзбекистонимиздаги бу каби бунёдкорликларнинг ҳар бир намунаси, мамлакатимизда, аввало, инсон манфаати – олий қадрият сифатида қаратилаётгани ва бу каби эътиборларнинг барчасида инсон қадри устунлиги намоён. Буни чуқур англаган воҳа аҳли бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини юксалтиришда муносиб ҳиссасини қўшиб, шу билан бирга, мустақиллик айёми арафасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, келажакка ишонч, яратувчилик туйғуси билан тараққиёт ва ривожланиш сари қадам ташлаш кайфиятида. Дунёда ўз мустақиллигига, ўз йўлига эга давлатлар кўп. Аммо, инсон қадрини улуғлаб, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган мамлакатлар саноқлидир. Шу маънода, биз туғилиб ўсган юрт қадри, фараҳбахш тонглар, тинч ва осуда кунлар шукуҳи вужудимизда ажиб ҳис уйғотади ва беихтиёр тилимизга кўчади: "Биз бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз".

# Наманганда назорат тадбирлари ўтказилди

**Республикамиз ҳудудларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан, Наманган вилоятида ҳам аҳолининг уй-жой ва бошқа турдаги бино, иншоотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кўплаб қурилиш жараёнлари олиб бориляпти. Мазкур қурилиш ишларини амалдаги норма ва стандартлар талабига қай даражада жавоб беришини текшириш учун Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан қатор назорат тадбирлари ўтказилмоқда.**





Хусусан, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини аниқлаш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мониторинг ишлари олиб борилди. Ўрганишлар давомида Давлатобод тумани "Халқлар дўстлиги" МФЙ ҳудудида фуқаро Р. Артикбаев томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносининг қурилиш ишлари инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилаётганлиги аниқланди. Ушбу қонун бузилиши ҳолати юзасидан мутахассислар томонидан фуқарога қурилишни тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатмалар берилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси 7-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилди ҳамда объект рўйхатдан ўтгунга қадар қурилиш ишлари тўхтатилди.

Шунингдек, инспекция ходимлари томонидан кўп қаватли уйларда ўзбошимчалик билан қайта қурилиш қилиш ва туташ ҳудудлардаги ноқонуний қурилмаларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш бўйича ҳам назорат тадбирлари ўтказилди. Давлатобод тумани ҳудудида ўтказилган тадбирда фуқаро У. Ж. кўп қаватли турар жойдаги ўзига тегишли бўлган хонадоннинг олд томонидан кириб-чиқиш учун қулайлик яратиш мақсадида таянч ва тўсиқ конструкцияларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳамда қонун талабларини бузган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширганлиги аниқланди. Ҳолат бўйича фуқарога МЖТКнинг 159-моддаси 3-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жарима чоралари қўлланилди ва хонадондаги ўзгартиришларни ўз ҳолига қайтариш бўйича инспекция ходимлари томонидан ёзма кўрсатма берилди.

Наманган шаҳар "Марғилон" МФЙ ҳудудида олиб борилган мониторинг ишлари давомида буюртмачи "Uber House" МЧЖ томонидан кўп қаватли турар жой биносининг қурилиши ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан амалга оширилаётганлиги аниқланди. Мазкур қонун бузилиши ҳолати юзасидан инспекция мутахассислари томонидан буюртмачига қурилишни тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатма берилиб, объект рўйхатдан ўтгунга қадар унда қурилиш ишлари тўхтатилди.

Бундан ташқари, айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўрилаётгани барчамизга маълум. Шу боис, масъуллар томонидан кўп қаватли уйлар иситиш тизимининг ҳолати ҳам ўрганилди. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Давлатобод туманидаги кўп қаватли хонадонларнинг 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати кўздан кечирилди. Жумладан, кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани ва ижрога қаратилган ҳолати, иссиқлик таъминоти объектлари ҳамда ускуналарини куз-қиш мавсумига тайёрлаш асосий масала бўлди. Ишчи гуруҳ Давлатобод туманида жойлашган РК 1 қозонхонасида бўлиб, у ердаги ҳолат билан танишди. Аниқланган камчиликлар юзасидан масъулларга кўрсатмалар берилди.

Ўрганиш ишлари ҳудудларда давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№77 (830) 2024 йил 17 сентябрь



# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "LOMBARD TASHKREDIT" МЧЖнинг 2024 йил 10 сентябрдаги 135-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 13 май ва 20 июлдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 13149 | Кольцо 3 шт. с дефектом, о.в. 14,96 гр., ч.в. 14,10 гр., 585 пр. | 7 695 517,41 |
| 2. | 13581 | Кольцо 3 шт., браслет 1 шт., о.в. 22,79 гр., ч.в. 22,00 гр., 585 пр. | 12 608 500,00 |
| 3. | 15190 | Серьги 1 пара, о.в. 3,01 гр., ч.в. 2,91 гр., 585 пр. | 1 474 567,04 |
| 4. | 15944 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,31 гр., ч.в. 2,31 гр., 585 пр. | 1 189 742,75 |
| 5. | 16081 | Цепь 1 шт., о.в. 3,76 гр., ч.в. 3,76 гр., 585 пр. | 1 699 922,42 |
| 6. | 16625 | Подвеска 1 шт., о.в. 2,82 гр., ч.в. 2,52 гр., 585 пр. | 1 389 773,50 |
| 7. | 16626 | Цепь 1 шт. с дефектом, браслет 1 шт. с дефектом, кольцо и серьги 1 комплект, о.в. 17,71 гр., ч.в. 17,11 гр., 585 пр. | 9 386 499,00 |
| 8. | 16962 | Цепь 1 шт., о.в. 5,24 гр., ч.в. 5,24 гр., 585 пр. | 2 867 888,30 |
| 9. | 16981 | Цепь 1 шт., кулон 2 шт., кольцо и серьги 1 пара, серьги 2 пары, кольца 3 шт., о.в. 38,07 гр., ч.в. 37,57 гр., 585 пр. | 20 418 830,00 |
| 10. | 17237 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,26 гр., ч.в. 4,26 гр., 750 пр. | 3 009 582,72 |
| 11. | 17472 | Кольцо с дефектом 2 шт., о.в. 5,47 гр., ч.в. 5,47 гр., 585 пр. | 2 551 930,00 |
| 12. | 17875 | Подвеска 1 шт., серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 6,28 гр., ч.в. 6,28 гр., 585 пр. | 3 024 958,45 |
| 13. | 18022 | Кольцо 2 шт., часы 1 шт., цепь 2 шт., о.в. 40,50 гр., ч.в. 35,50 гр., 585 пр. | 20 486 500,00 |
| 14. | 18062 | Серьги и кольцо 2 комплекта, кольца 3 шт., о.в. 36,04 гр., ч.в. 27,60 гр., 585 пр. | 15 184 000,00 |
| 15. | 18071 | Серьги 3 пары, о.в. 6,44 гр., ч.в. 6,44 гр., 585 пр. | 3 670 000,00 |
| 16. | 18251 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,64 гр., ч.в. 2,64 гр., 585 пр. | 1 396 291,79 |
| 17. | 18311 | Кольца 2 шт., о.в. 6,12 гр., ч.в. 5,70 гр., 585 пр. | 2 639 800,00 |
| 18. | 18390 | Кольцо 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 5,61 гр., ч.в. 5,61 гр., 585 пр. | 3 367 000,00 |
| 19. | 18551 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 10,79 гр., ч.в. 10,79 гр., 585 пр. | 6 118 451,80 |
| 20. | 18556 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,28 гр., 585 пр. | 936 408,49 |
| 21. | 18643 | Цепь 2 шт., о.в. 13,48 гр., ч.в. 13,48 гр., 585 пр. | 7 366 600,00 |
| 22. | 18740 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,07 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр. | 2 079 250,00 |
| 23. | 18796 | Серьги 1 пара, о.в. 3,63 гр., ч.в. 3,63 гр., 585 пр. | 2 155 000,00 |
| 24. | 18918 | Браслет 1 шт., о.в. 1,35 гр., ч.в. 1,35 гр., 585 пр. | 728 160,38 |
